09.55 Т/с "Тайны следствия".
10.55 "Особый случай".
12.50 Вести. Дежурная часть.
13.00 Т/с "Талиние при свечах".
14.00 Т/с "Промыслие анищар".
16.15 "Последний эфир".
19.00 Премьера "Галашиг стена".
21.15 Ирина Гринёва и Игорь Верник в фильме "Мама поневоле", 2012г.
23.35 "Инспектор Лосев".
01.10 "Горячая десятка".
02.15 "Комната смека".

НТВ

- 03.00 НТВ утром.
05.10 Дило вчреы.
06.00 07.20 Т/с "Возвращение Мухомта".
09.00 10.00 13.00 16.00 Сегодня.
09.00 Сул пригласяны.
11.30 Прессконференция. Промоисствение.
12.00 Прокурорская проверка.
13.20 Т/с "Свет и тень мянка".
15.00 Говорим и показываем.
16.45 Х/ф "По следу зверя".
20.30 Х/ф "Госы".

- 22.20 Д/с "Собственная гордость".
23.10 Суебный детектив.
00.10 Дилор мир.

РОССИЯ К

- 04.30 Программа международного информационного канала "Евроноэсо" на русском языке.
08.00 Новости культуры.
08.20 Шелуэзи слоготипа.
"Земля в плену". Х/ф.
09.50 "По ту сторону скалки. Борис Рышарев". Документальный фильм.
10.30 Письма из провинции. Костром.
11.00 "Грошовая серенада". Х/ф.
13.00 Новости культуры.
13.15 "А.Пушкин. Евгений Онегин". Авторская программа В.Пенюшиного.
13.35 Черные дыры. Белые пятна.
14.20 "Бител в Большом".
15.00 "Александр Самбутов-Юзюи. Похвала консерватизму". Д/ф.
15.40 Мировые сокровища культуры. "Колония-дель-Сакраменто. Долгожданый мир на Рио-де-ла-Плата". Д/ф.
15.55 Виргил Нильсон. Фильм-портрет.
17.00 Новости культуры.
17.15 "Смехоностальгия".
17.45 Искатели. "Повальный клад Байкалани".
18.35 100 лет со дня рождения Лидии Симировой. "Моя любовь". Х/ф.
19.55 К 80-летию Владимира Рейтнера. Лидия жизни.
20.45 "Леонардо. Шелуэзи и подделка". Д/ф.
21.30 Новости культуры.
21.50 Кувал кино с Кириллом Рапоповым. "OXI". Х/ф.
23.45 "Сказкистартоу пинанно". Мультипликация для взрослых.
23.55 Искатели. "Повальный клад Байкалани".
00.40 Мировые сокровища культуры. "Колония-дель-Сакраменто. Долгожданый мир на Рио-де-ла-Плата". Д/ф.
- СТС**
- 04.00 Мультисериал.
06.00 "6 кадров".
07.00 "Нервальный историй".
08.00 "Воронини".
12.00 "Думай как женщина".
Драмади.
13.00 "Труна" Мистический триллер.
15.00 "Молодежка" Молодежная драма.
16.00 "Семейный историй".
17.00 Шоу "Уральские пельменей".
22.10 "Все что угодно ради любви".
Коведия. США, 1993 г.
00.00 "Образование калли".
01.50 "Робосанини" Фантастика.
- ТВ3**
- 04.00 М/ф.
07.30 Т/с "Сладствие по телу".
11.30 "Х.Версини. Другие новости".
12.00 Д/ф "Охотники за привидениями".
13.00 "Мистические историй".
14.00 Д/ф "Галашка".
15.00 Т/с "Слепяи".
16.00 "Х.Версини. Колдуны мира".
17.00 "Человек-невидимка".
18.00 Х/ф "Лоней снов".
20.20 Х/ф "Явление".
22.15 Д/ф "Городские легенды".
Москва, Останкино.
22.45 "Европейский покерный тур".

Бугун почта қутисига ташланган хат газета ва журналлар оқими ичида йўқ бўлиб кетади. Аммо, тарихий манбаларнинг шохидлик беришича, ҳар доим ҳам бундай бўлмаган. Хат бир жойда тураверган. Кимдир хатни қутига ташлаган, яна биров уни ўқиб жойига қўйиб кетаверган... Кимга керак бўлдийкин бу галати алоқа техникаси?

Тошда яширинган сир

Саволимизга жавоб топиш учун хаёлан XVI асрга саёҳат қиламиз. Ҳали Сувайш канали қурилмаган. Европаликлар денгизда Хиндистонга етиб олиш учун улкан Африкани айланиб ўтишга мажбурлар. Узоқ ва хатарли сафар! Мана шундай азоб-уқубатлар гирдобиди ойлаб кемаларини тарк этмасдан сузган диққинафас денгизчилар учун ҳар қандай хабар олтиндан-да азиз. Африка жанубида, Янши умид бурнидаги тош "почта қутилари" шу тарика пайдо бўлган. Унга бир кема экипажи бошқа бир кемадаги биродарларига номаларни қолдиришган.

Флоренция тамбуролари


Бироқ тошдан ясалган "кутилар" замонавий почта қутиларининг ягона аждоди эмас. Худди ўша даврда хатлар ташланганидан қутилар экваторнинг нариги тарафиди — Флоренция Республикасининг черковларида ҳам истеъмолга киритилди. Тамбуролар (кутиларни флоренцияликлар шундай аташган)ни авом халқ яна "кўркув қутилари" дерди. Уларга юмалоқ хатлар ташланган. Бу қутига кимнингдир устидан арз ёзиб ташланса бас, тутқун қилиб, жазолаш учун кифоя эди. Энг ажабланишли, флоренцияликлар учун бу оддий ҳол бўлган. Уйғониш даврининг буюк намояндаси Леонардо да Винчи ҳам ана шундай тамбуро "шарофати" билан судга тортилган, гарчи жазоланмаган бўлса-да, тухматдан азоб чеккан эди.

Флоренция тамбуролари тарихи қора саҳифалардан иборат бўлса-да, орадан юз йиллар ўтса ҳам улар унутилиб кетмади. Масалан, Парижда янги ташкил этилган шаҳар почтаси раҳбари жаноб де Велайе почта қутиларини жорий этишга уриниб кўрди. Бироқ шаҳар почтасининг туғилмасидан кафани бичилган эди: бойлар югурдаклардан фойдаланишар, камбағаллар эса мутлақо хат ёзишмасди.

Почта халталари

Велайедан сўнг орадан ярим аср ўтгач, Англия ва Америка ўртасида қатновчи кема капитанлари почта қутисига қайта ҳаёт бағишлашди. Капитанлар анчагина инсофли кишилар экан: хатни етказиб бериш учун арзимас чақа —

Почта қутиси: МОЗИЙ СЎҶМОҚЛАРИДА



бир пенс олишарди. Янги Дунёга хат йўлловчилар ақин афрофларидаги меҳмонхона ёки қаҳвахоналарга йўл олишар ва денгизчилар махсус тикиб илиб қўйган халталарга мактубларини жойлашарди. Бу алоқа хизмати жуда ишончли эди.

"Жонли"

почта қутиси...

Навбатдаги почта қутиси дунё юзини кўриши учун орадан ярим аср ўтди ва биз Австрияга ўтамиз. Аммо кути деворда эмас, балки кетиб бораётган почтачи камар билан уни орқасига маҳкам боғлаб олган. Бугун сиз-у биз билганимиз сингари хат тасвири туширилган ёнги чопарнинг бурғуси зёб бериб турган оддий почта қутилари эса биринчи бўлиб Венада 1785 йили жорий этилди.

Почта қутилари тармоғи

Оддий нарсанинг пайдо бўлиши оддий бўлмади. Тасаввур қилинг-а, 1801 йили, бундан икки юз йилча бурун Берлиндан фақат сарой почтачиси орқалигина бошқа жойга хат жўнатиш имконияти мавжуд эди. 170 мингдан ортиқ аҳолига эга шаҳар учун ати-

ги битта почта бўлими! Почтадаги турнақатор навбатни айтмайсизми — немислардек тартибсевар, вақтни қадрловчи халқ учун бундан ортиқ азоб бўлиши мумкинми?! Ниҳоят, шаҳар маъмурули Берлиннинг турли чеккаларида яна учта почта шўъбасини очиш учун 4230 талер ажратишга қарор қилиши билан вазият бир оз юмшади.

Берлиндаги биринчи почта қутиси эса фақат 1851 йилга келиб ўрнатилди.

Автомат

шошилич-кути

Шу билан почта қутиси тарихи адоғига етди десак адашамиз. Негаки, у такомиллашишда давом этарди. Ўн тўққизинчи аср охирига келиб, Лондонда автомат шошилич-кутилар пайдо бўлди. Агарда хат жўнатувчи хат билан бирга махсус тирқишга танга ташласа, бошқарув дастаги ишга тушарди. Дастак босилса бас, яқин атрофдаги почта бўлимидан курер келиб хатни олиб кетарди.

Саёҳатчи қутилар

Ҳамма ихтиро ҳам яшовчан эмас. Масалан, 1928 йили москвалик почтачилар хатларни етказишни жадаллаштириш учун трамвайларга почта қутиларини ўрнатишга уриниб кўришди. Лойиҳа келахаксиз экани шундоқ ҳам маълум эди: масалан, автомобил трамвайдан тезроқ манзилга етказсади, бунинг устига трамвайни бекатда кутиб қолишга тўғри келади.

Телеграф ва телефон почта қутисининг кейинги саёҳатларига чек қўйди.

REYTING*

Компьютер амалий тизимлари (ТОП-7+)

Ўрни	Амалий тизим	Улуши (%)
1	Windows 7	54,67
2	Windows 8.1 (ва 8.1 Update)	14,27
3	Windows XP	11,99
4	OS X (барча талқинлари)	9,1
5	Windows 8.0	4,32
6	Windows Vista	2,69
7	Linux (барча дистрибутив ва талқинлари)	1,46
	Бошқалар (Chrome OS, Windows 10 ва ҳ.к.)	1,49

Саҳифани Собит АҲАДОВ тайёрлади.



QISQA SATRLARDA

● Илгари 399 доллар эвазига тақдим этиб келинган Google Earth онлайн-хартасининг Проталқини фойдаланувчилар учун мутлақо бепул таклиф этиляпти. Профессонал талқинда картографик имкониятлар бирмунча кенгрок. Жумладан, турли форматлардаги маълумотлар, масофа ва майдонлар ўлчамларини аниқлаш, GPS-илова билан ишлаш ва ҳоказо.

● Canon компанияси кенг форматда чоп этувчи икки хил қурилмаси (imagePROGRAF iPF670 (24"/610 мм) ҳамда imagePROGRAF iPF770 (36"/914mm) тақдимотини ўтказди. Янги қурилмалар иш тезлиги янада юқори бўлиб, беш рангли тизимни қўллади.

● Ўртача мобил алоқа фойдаланувчиси 2014 йилда ҳар ой 445 мегабайт маълумот ишлатган, дейилади ABI Research тадқиқотларида. Беш йил давомида, яъни 2019 йил охиригача бу кўрсаткич 2289 МБга етиши кутилляпти. Видео ва телеканаллар — мобил трафикнинг асосий илдамчилари — ҳозирги 50 фоизга ортиш беш йилда 70 фоизгача ошиши эҳтимолда тутилмоқда.

● Арзон Android-планшетлар бозоридаги жиддий рақобатга Хитойнинг жануби-шарқидидаги аксарият кичик компаниялар дош бера олмади ва бозорни тарк этишни бошлади. Энди фойда олиш истагидаги йирикрок компаниялар ё смартфонлар ёки Windows-планшетлар чиқаришга ихтисослаша бошлади.

Умуман олганда, Apple бозорининг танҳо етакчиси мақомида, Samsung Electronics, Amazon, Lenovo ва Asusutek Computer компаниялари ҳам бўшашидан эмас.

Шундай пайтлар бўлганки, Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди тўғрисида сўзлаш ва ёзишга имкон берилмаган. У "сарой шоири", "эксплуататор синф вакили", "бошқа шоирларнинг таржимони" сингари сохта даъволар билан камситилиб, асарлари чоп этилишига йўл берилмаган. Хайриятки, фидойи инсонлар бор экан, улар ўз ҳаётларини хавф-хатарга қўйиб бўлса ҳам улуғ шоир ва йирик давлат арбоби Мир Алишер Навоий асарларини топиш, тўплаш ҳамда нашр этишда жонбозлик кўрсатдилар. Ана шундай жонкуяр тадқиқотчилардан бири Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Олим ШАРАФИДДИНОВ эди.

Биринчи навоийшунос олим

"Шарафли Шарафиддиновлар" ... Адабиётшунос олим Абдуғафур Расулов ўзининг 2006 йили "Маънавият" нашриётида чоп этилган китобларидан бирини шундай гўзал бир ном билан атаган эди. Ёдингизда бўлса, мўъжаз бу китобчада миллий маданиятимизга бетакрор ҳисса қўшган уч забардаст сиймо — илк бор "Алифбо" дарслигини ёзган педагог олим Оқилхон Шарафиддинов, биринчи бўлиб "Алишер Навоий" монографиясини яратган Олим Шарафиддинов ва роппа-роса 50 йиллик ижоди билан профессионал ўзбек адабий таъкидчилиги ва адабиётшунослигини янги юқори поғонага кўтарган Озод Шарафиддиновлар ҳаёти ва серқирра фаолияти ҳақида ҳикоя қилинган эди.

Одатда "биринчи" сўзининг ўз масъулияти ва салмоғи бор. Ким биринчи бўлишни хохламайди дейсиз. Илм-фанда биров қўл урмаган мавзунини биринчи бўлиб кўтариб чиқиш, у ҳақида атрофлича асосли, биринчи манбалар билан далилланган тадқиқот яратиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Шундай бахт адабиётшунос Олим Шарафиддиновга насиб этди.

Ўтган асрнинг 20-йилларида адабий-илмий ҳаётда "Айн" тахаллуси билан мақолалар эълон қилаётган бир танқидчи пайдо бўлди. Унинг ўша давр руҳи билан ёзилган ўткир танқидий мақолалари дарҳол ҳаммининг назарига тушди. Ҳам мумтоз адабиётимиз намуналарини, ҳам гарб адабиётини, ҳам ўша давр адабий оқим ва изланишларни пишиқ-пухта ўрганган ва кескин мақолалари билан адабий жамоатчилик эътиборини тортган ўша ёш мунаққид олий ўқув юрларида мумтоз ўзбек адабиёти фанидан маърузалар ўқиб юрган истеъдодли ўқитувчи Олим Шарафиддинов эди.

Ўттизинчи йилларга келиб, Алишер Навоий ҳаёти ва ижодида кизиқиш кучайиб кетди. Бу йиллар миллий маданиятларнинг ўз таянч нуқталарини топиш ва

ўрганишга киришиш палласи эди. Бироқ шўролар сиёсати ҳамма нарсага шубҳа кўзи билан қарашга ўргангани сабабли бундай интилишларга ўғай кўз билан қаради. Аслида ана шу кучли изланишларнинг замирида миллий уйғониш куртаклари намоян бўлаётган эди.

Бироқ Навоий шахси ва фаолиятини ўрганишга бўлган қизиқиш заррача бўлсин сусаймади. Олим Шарафиддинов ўзигача бўлган барча манба ва маълумотларни атрофлича ўрганиб, узоқ изланишлар натижасида шоир ҳаёти ва ижодига доир чинакам илмий-биографик асарини яратди ва уни "Алишер Навоий. Ҳаёти ва ижоди" деб номлади. Бу китоб Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейини ўтказиш бўйича Ўзбекистон ҳукуматининг махсус қарорига асосан яратилган бўлиб, дастлаб 1936 йилда қисқартирилган ҳолда, 1939 йилда тўлиқ ҳолда, бир пайтнинг ўзида ўзбек ва рус тилларида чоп этилди.

Алоҳида таъкидлашимиз керакки, бу асар ўша пайтгача эълон қилинган Навоий ҳақидаги мақола ва тадқиқотлардан кескин фарқ қилди. Ўзининг фактларга бойлиги, шоир босиб ўтган йўллари қадамма-қадам ишонч билан тасвирлаши, шоир замондошлари, тарихнавислари асарлари ва хотираларини чуқур ўрганган ҳолда асосли фикр юритилиши, ишончли далилларга суянгани билан алоҳида аҳамият касб этди. Китоб чоп этилган йилларда Навоий тўғрисидаги тарихий манбалар ҳозиргичалик кўп эмасди. Ҳатто Хондамирнинг шоир ҳаёти ҳақидаги асосий манбалардан бири ҳисобланган "Мақоримул-ахлоқ" рисоласи ҳам топилмаган эди. Шундай бўлса ҳам, тадқиқотчи руҳини туширмади. Топилмаган китоблар мазмунини ёритувчи манбаларни излаб топди. Шундай чорасиз давларда унинг кўп тилларни билиши асқотди. Айтишларича, Олим Шарафиддинов рус, қадимги юнон, инглиз, олмон тилларини билган, бу тиллардаги матнлар-

ни ўзбек тилига эркин таржима қила олган. Шоир ҳаёти ва ижодига доир ялт этган факт ва рақам бўлса, фикр-мулоҳаза учраса, албатта тўғри-нотўғрилигини аниқлашга интилган.

Афсуски, Олим Шарафиддинов узоқ яшамади. Фронтга йўл олганда 37 ёшга ҳам тўлиб-тўлмаган йигит уч йил оқопларда қон кечиб, 1943 йили Беларуссия ерлари учун бўлган жанглардан бирида ҳалок бўлди. Тақдирнинг аччиқ ҳазилини қарангки, ҳатто Ўзбекистон Фанлар академиясига мухбир аъзоллик қабул қилингани ҳақидаги хушxabар ҳам тириклик пайтида унинг қўлига етиб борганми ёки йўқми, номаълум бўлиб қолди.

Маълумотларга қараганда, у атиги 14 йил илм билан шуғулланишга маъмур бўлган экан, ҳолос. Бироқ ана шу ўн тўрт йилнинг ҳар бир йили унинг ўзи учун ҳам, ўзбек адабиётшунослиги учун ҳам тинимсиз изланиш ва сермахсул йиллар бўлиб қолди. Адабиётшунос олимнинг ҳозир ҳаёт бўлган фарзанди — Клара опанинг ҳикоя қилишича, Олим ака монографиядан ташқари улуғ шоир ижодига бағишланган бир неча китоблар ёзишга тайёргарлик кўрган. Жумладан, "Хамса"нинг ҳар бир достонига атаб махсус тадқиқотлар олиб борган. Бу достонларни жаҳон адабиётининг сара асарлари билан қиёсий ўрганиш тажрибаларини бошлаган, шоир ҳаётига дахлдор тарихий меросни даврлаштирган ҳолда нашр этишни режалаштирган эди.

Олим Шарафиддинов ҳаёти ва ижодий фаолиятини атрофлича ўрганишга эндигина қўл урилаётди. Бу инсон ҳаёт бўлганида ҳозирги кунларда роппа-роса 112 ёшга тўлган бўларди. Начора, ҳаёт доимо тасодифларга тўла, кимгадир узун, кимгадир қисқа умр насиб этади. Бироқ эзгуликка бағишланган ҳаёт барибир йўқолиб-йитиб кетмайди. Ўзидан нурли из қолдиради.

Набижон СОЛИЕВ,
филология фанлари номзоди,
Муҳаммадрасул
КИМСАНБОЕВ,
адиб ва таржимон

"XABAR"GA MAKTUB

Комилликка элтувчи йўл

Ассалому алайкум, газетанинг жонкуяр ижодкорлари! "Xabar"нинг ҳар бир сонини кузатиб бораман. Негаки, у соҳамизнинг ягона газетаси. Мураббийлик гуруҳидаги талабаларга ҳам буни маслаҳат бераман. Газетада берилган маълумотлардан "Маънавият соатлари"да кенг фойдаланаман. Яна бир нарсани мамнуният билан таъкидлашим керакки, мураббийлик гуруҳидаги талабалар газетанинг 2015 йилдаги сонларига тўлиқ обуна бўлишди.

Сизларга хат ёзишдан мақсадим эса, талабалар маънавиятини юксалтиришда буюк алломаларимизнинг ҳаёт ва ижод йўли муҳим ўрин тутиши ҳақида ўртоқлашмоқчи эдим.

Бола дунёга келиши билан ота-она унга меҳр-муҳаббат, эътибор кўрсатади. Унга жисмоний, моддий ёрдам кўрсатиш билан бирга, маънавий озуқа беради. Инсоннинг оилада кўрган тарбиясига боғида, мактабда олганлари қўшилиб боради. Унинг тўла-тўқис шаклланишида лицей-коллеж ва олий ўқув юрларининг роли беқиёсдир. Ўзбек боласи борки, буюк алломаларимиз билан ҳамшира турурланади. Талабалар маънавиятини юксалтиришда улар қолдирган тарихий, адабий, маданий мерос катта аҳамиятга эга.

Маълумки, Навоий деярли барча асарларида комил инсонга хос хусусиятлар, унинг шарқона фазилатлари ҳақида фикр юритади. Гуноҳ иш қилмаслик, ношукр бўлмаслик, ҳалол луқмага қаноатланиш, камтар бўлиш, ўз фарзандлари, қўл остида хизмат қилувчиларга қўполлик қилмаслик, раҳмдил, сабрли, садоқатли бўлиш ҳақида сўз юритади. Унинг беш достондан иборат "Хамса" ҳамда "Ҳазойинул маоний", "Маҳбубул қулуб" ва бошқа асарлари туганмас меросдир.

Бобур ҳаёти тарбиявий аҳамиятга эга, қилган ишлари, жасорати ва садоқати алоҳида таҳсинга сазовор. Айниқса, унинг машҳур "Бобурнома"си асил тарихий-маънавий хазинадир. Муҳими, Бобур қалами ҳолисликка хизмат қилган. Серқирра ижодкорнинг "Хатти Бобурий", "Ҳарб иши", "Муסיқа илми" каби асарлари ҳам тенгсиздир.

Юқоридаги фикрларни келтиришдан мақсадим, шундай буюк адабий, тарихий мероси бор халқ фарзандлари улардан ҳар томонлама ўрнак олишлари, улар ижодини ўрганишлари фойдадан холи эмаслигини таъкидлашдир.

Биз талабаларга таълим бериш билан бирга тарбиянинг нозик қирраларини ҳам шакллантиришимиз керак. Ана шу маънода олий таълимда олиб бориладиган маънавий тарбиянинг аҳамияти каттадир.

Маҳбуба СУЛТОНОВА,
ТАТУ "Мобил алоқа
технологиялари" кафедраси
катта ўқитувчиси



Хикмат

Хоксор кишилар даражада жаббор (жабр қилувчи)лардан юқори туришди, чумоли шердан ўта кичик бўлса-да, минорада осон юради.

Алишер НАВОИЙ

Ҳаёт – эзгулик учун берилган инъом

Бу буюк файласуфлар ёзиб қолдирган оддий ҳикмат замирида тенгсиз мазмун, ҳар бир замон учун зарур бўлган даъват ётади. Буни ҳар ким ўзича қабул қилади ва унга баҳоликдрат амал қилади.

Аҳаджон ака ҳам бу ҳақда жуда кўп ўйлаган, фикр қилган. Доимо эзгулик талаб-қоидалари асосида яшашга интилиб келмоқда. Дарҳақиқат, қахрамонимиз ҳаётининг ҳар лаҳзасини беҳуда ўтказмай эзгуликларга бахшида этиб келётгани билан фахрланади ва бунинг учун тафаккур мевалари — газета ва журналлардан, китоблардан беҳад миннатдор.

...Етмишинчи йиллар боши. Шарқий Германия. Алоҳида вазибалари бажарувчи рота. Мазкур рота таркибида тўрт нафар ўзбек йигити хизматни бошлашган. Юрт соғинчи дилларни куйдирган паллалар. У ҳам серкўёш Ўзбекистонини, Бувайдани, қадрдон Қамар қишлоғини кўмсаб қийналарди. Бир кун Аҳаджонга жўнатма тутқазилди. Сарик рангдаги қалин қоғозга ўралган. Уни шоша-пиша очдию, кувонч-ла хитоб қилди: "Гулистон", "Саодат", "Муштум"! Туман алоқа тармоғи бошлигининг ўринбосари бўлиб ишловчи поччаси Қувватали Нажмиддинов унга нима юборишни билибди! Алҳосил поччаси унга икки йил мобайнида ҳар ойда шундай жўнатмалардан юбориб турди. Дўстлари билан бу нашрларнинг бир сатрини ҳам қолдирмай қайта-қайта ўқиб чиқарди. "Гулистон"ни ўқиш дамлари унинг қалбига чексиз бахт-саодат туйғуларини ҳаёта этар, баъзи мақолаларни қирқиб олиб, кўкрак чўнтагида олиб юрар, такрор ва такрор кўздан кечирарди, дўстлари бўлса, "Саодат"да чиқ-

қан нигоҳларида нафосат ва ҳаё жилва қилган ўзбек қизларининг суратларини албомларига ёпиштириб, беғубор орзулар оламида яшашарди. "Сенинг поччанг ака каби меҳрибон-а! Қойил!" дейишарди астойдил хурсандликларидан. Шунда у аҳд қиларди: "Хизматдан эсон-омон қайтсам, мен ҳам алоқа бўлимида ишлайман ва армиядагиларга тез-тез газета-журналлар юбориб, савобларга дохил бўламан!.."

"Яхши ният — ярим давлат" деганлари рост экан. Сержант Қурбонов йигитлик бурчини ёруғ юз билан адо этиб қайтгач, туман алоқа тармоғига иқтисодчи бўлиб ишга кирди. Аҳдга содқлик билан қўшниси Йўлчибой Бекмуродовга, Чита, Венгрия, Украинада хизмат қилаётган укалари Нейматжон, Гофуржон, Валижонларга матбуот нашрларини жўнатиб, уларнинг қалблари, онгу шуурларини маърифатга, эзгуликка ошно этаётганидан ўзини ниҳоятда бахтиёр санарди. Турмуш ўртоғи Мукаррамхон билан маърифатли, солиҳ фар-

зандлар тиладилар ва мақсад-муддаоларига етишишди. Ҳаммаси ўқишди, унишяпти. Энг муҳими, ҳаммаси алоқачи. Ирода-хон Янгиқўрғон ПАТда назоратчи-оператор, Қодиржон Бувайда "Ягона ойна" марказида менежер, Одилжон Учкўприк ТБда оператор, Қобилжон "Ўзбектелеком" АК ТТТ ходими. Кенжа қизлари Иқболахон туман ТБда оператор, ҳозирда бола тарбияси бўйича таътилда. Келинлари Муҳаббатхон Янгиқўрғон ПАТда суғурта оператори бўлиб кўп йиллар ишлаган, ҳозир фахрийликда.

Ҳа, ҳаёт ундан неъматларини аямади. Нимани астойдил сўраса, жидду-жаҳд қилса — етди. Айниқса, беназир устозлар қўлида тарбия кўрган қанчалар соз бўлган эканки, соҳада ҳалол ризқ-рўз топиб, камолга етди. Ҳожа опа Габидулло ва Жамила опа Абдуллаеваларнинг жон куйдириб айтганлари бир умр асқотиб келмоқда.

Юқорида тилга олганимиз поччаси Қувватали ака — забардаст

алоқачи неча йиллардан буён фахрийлик гаштини сураётганидан, қайнисининг устоздан ўзган шогирд бўлиб эл ҳурматини қозонганидан мамнун. Аҳаджон ака ҳам ёшларга узоқ йиллар устозлардан ўрганларини, тажрибасию олтинга тенг ўғитларини, ҳар қандай ҳолатда ҳам тўғри, қонуний йўл тутиш зарурлигини уқтиришдан чарчамайди.

Чиндан ҳам, донолар таъкидлаганларидек, ҳар бир инсон комилликка эришиш эҳтиёжи ва имконияти билан туғилади. Бунинг учун салоҳиятни ишга сола билиш, уни ривожлантириб боришдан эринмаслик керак, холос. Устоз Қурбонов 14 нафар неварасини ҳам шундай руҳда тарбияламоқда.

Бувайда телекоммуникациялар боғламаси бош ҳисобчиси Аҳаджон ака Қурбонов 40 йиллик самарали меҳнатлари учун "Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига 15 йил", "Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига 20 йил" белгилари билан тақдирланган. Мамлакатимиз раҳбарининг 2015 йили — Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилган ушбу йилда ўзи ҳам фахрийлар сафидан ўрин олаётганидан фахрланади. Зотан, ёшлик куч-қувватини, ҳаётини эзгу ишларга бағишлаган инсонга бу ҳам тақдирнинг тенгсиз тўхфаси, эътибори, албатта.

Ҳафиза САЛЯХОВА,
"Xabar"нинг Фарғона
вилоятидаги мухбири

Тенгдошлари қатори туманнинг 14-ўрта мактабида ўқиб юрган кезларида Абдуманнонда техникага бўлган қизиқиш жуда кучли эди. Ундаги бу иштиёқни тарих фани ўқитувчиси Сайфи Азизов уйғотганди.

Мактабни битириши биланок Самарқанд шаҳридаги телеграф станциясига ишга келди. Унга телеграммаларни тарқатиш вазифаси юклатилди. Ишга шу қадар шўнғиб кетдики, энди у ҳаётини алоқачилиқдан бошқа касбда тасаввур қилолмасди.

У 1962 йили уч ойлик алоқачилар курсида таълим олди. Сўнг икки йил почта алоқаси бўлими бошлиғи вазифасида ишлади. 1964-1966 йиллар давомида эса телеграф станциясида меҳнат қилди. Шу орада Тошкент алоқа политехникумини телеграф йўналиши бўйича сиртдан тамомлади.

1966 йили Самарқанд шаҳар почта-телеграф корхонаси раҳбарияти уни Новосибирск электротехника алоқа институтига тавсиянома билан ўқишга юборди ва ўша йили мазкур институт талабаллигига қабул қилинди. 1968-1974 йилларда Самарқанд шаҳар почта-телеграф корхонасида бўлим бошлиғи вазифасида ишлади.

Абдуманон ака 1974 йили

Умр ибрати



А.АБДУРАХИМОВ шогирдлари даврасида

Самарқанд шаҳар почта ва телеграф станцияси бош муҳандиси этиб тайинланди. Ўша йиллари вилоятнинг Самарқанд ва Тойлоқ туманлари бирлаштирилган бўлиб, жуда катта худудни эгаллар эди. Қахрамонимиз 1976 йили шу туманда почта ва телефон алоқаси боғламаси бошлиғи сифатида иш бошлади.

— Ўша пайтларда боғламада 54та почта алоқаси бўлими, 50 рақамдан то 1500 рақамгача монтаж сифимига эга 18та автомат

телефон станцияси бўлиб, тўрт юздан ортиқ ходим меҳнат қилар эди, — деб эслайди Абдуманон ака. — Раҳбарлик давримдаги ягона мақсадим, асосан маҳаллий ходимларни тайёрлаш учун атрофимга билимга ва техникага қизиқувчан, тиришқоқ ёшларни йиғишдан иборат эди. Уларни техникум ва институтларга ўқишга юбориб, ўз билимларини янада ошириш ва мустаҳкамлашларини жуда истар эдим ва шунга эришим ҳам.

1998 йилга келиб, Самарқанд шаҳар телекоммуникациялар боғламасида муҳандис электрлик, 2001-2005 йиллари хавфсизлик техникаси ва меҳнат муҳофазаси бўлимига бошчилик қилди.

2005 йилнинг июл ойидан кексалик нафақасига чиқди. Лекин уйда бекор ўтиришни ўзига эп кўрмади. "Ватанпарвар" ташкилотидеги линия-кабел хўжалиғи сир-асрорлари ҳамда хавфсизлик техникаси қоидалари бўйича ёшларга сабоқ берди. 2009-2010 йилларда ТАТУнинг Самарқанд филиали талабаларига алоқа кабел линияси хўжалиғи фанидан амалиёт ўтади. Билганларини ёшларга ўргатишдан толмади.

Тажрибали бу инсон узоқ йиллик фаолияти давомида кўплаб шогирдлар етиштирди. Абдуманон ака турмуш ўртоғи Матлуба ая билан икки ўғил, икки қизни эл-юрт қорига ярайдиган инсонлар қилиб вояга етказдилар. Табаррук ёшдаги бу инсонлар ўн нафар набиранинг сеvimли бобоси ва бувисидир.

Абдуманон ота Абдурахимов ҳозир 72 ёшни қоралаб турган бўлса-да, тетик ва бардам. Маҳалла тўй-маросимларида маслаҳатчи. Ёшларга насихатгўй бобо.

Абдуғафур ҲОТАМОВ,
"Xabar"нинг Самарқанд
вилоятидаги мухбири

Эртақлар шахри — Хивани деярли дунёнинг барча давлатларида яхши билишади. Обидалар, зиёратгоҳлар, мақбара-ю мадрасалар, осмонўпар миноралар, музейлар нафақат маҳаллий аҳолини, балки хорижий сайёҳларни ҳам ўзига ром этган. Жумладан, Ичан қалъадаги қадимги Хоразм давлатининг ташкил топиши, бадий хунармандчилик, тиббиёт соҳаларига бағишланган ва бошқа музейлар эътиборни тортади. Шулардан бири алоқа тарихи музейдир.



Сафарбой АЛЛАЕВ (ўнгда) музейга ташриф буюрган меҳмонни экспонатлар билан таништирмакда.

АСРГА ТЕНГ


Музейга 1912 йили асос солинган. Шу йили Хива хонининг бош вазири Исломуҳаммаднинг ташаббуси билан музейнинг ҳозирги биноси қурилади ва орадан бир йил ўтгач, Россиядан олиб келинган Морзе телеграф ускунаси ўрнатилади. Морзе аппарати Чоржуй-Туямўйин-Янги Урганч йўналиши бўйлаб ўтган алоқа линиясига уланади. Шаҳардаги эски бинолардан бирида фаолият олиб бораётган почта бўлими ана шу жойга кўчирилади ва бино пештоқига "Почта-телеграф" деган пешлавҳа осилади. Шу кундан бошлаб одамларга янги алоқа хизмати кўрсатила бошланди. Почта жўнатмалари Хивага Амударёдан кемада олиб келинган. Телеграф алоқаси эса Янги Урганч орқали Чоржуй шаҳригача тортилган сим йўли орқали амалга оширилган.

1982 йили алоқа бўлими учун янги бино қурилган, эски бино ўрнида алоқа музейи ташкил этиш режалаштирилди ва бу ҳақда Республика алоқа вазириликка таклиф киритилди. Вазирлик тасдиғи билан музей ташкил қилиш ишлари бошлаб юборилди. Бу пайт Хива туман алоқа узелида муҳандис бўлиб ишлаган Юсуф Муҳаммадов музей экспонатларини ва алоқа хизмати билан боғлиқ ҳужжатларни тўплашда фаол иштирок этди. 1983 йил бошларидан вилоят алоқа бошқармаси, туман ҳокимлигининг қатта ёрдами билан музей экспонатлари ва ҳужжатларни жойлаштириш учун зарур ҳижозлар сотиб олинди, улкан рассомлик ишлари амалга оширилди. Музей шу йили тантанали равишда очилди.

ЯНГИ ДАВР

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин музейни янада такомиллаштириш ишлари олиб борилди. Чунки музей атиги бир хонадан иборат бўлиб, экспонатлар ва тўпланган турли ҳужжатлар эски услубда жойлаштирилган эди. 2013-2014 йилларда Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг ёрдами билан соҳа акциядорлик компаниялари, жамиятлари ҳамда корхона ва ташкилотлари ёрдамида қайта реконструкция қилинди. Қўшимча равишда яна учта хона ажратиблиб, таъмирланди. Янги экспонатлар ва ҳужжатлар излаб топилди. Деворларга илинган ва тоқчаларга қўйилган экспонат ва ҳужжатлар янги ҳолатда жойлаштирилди. Телеграф-телефон алоқаси, почта алоқаси, радио ва телевидение, ахборот-телекоммуникация технологиялари заллари ташкил этилди. Туманда алоқа хизмати ташкил топган кундан бошлаб ҳозирги даврларгача бўлган фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи турли экспонатлар ойна-ванд жавонларга жойлаштирилди ва маникенлар, моделлар тайёрланди, барча расмлар

Тарих тилга кирганда



Телефонлар

рангли тасвирга айлантирилиб, замонавий услубдаги рамкаларга ўрнатилди. Масалан, телеграф-телефон алоқаси залида замонавий мобил телефоннинг биринчи кўриниши бўлган автоматик дуплексли LK-1 русумли мобил радиотелефонини яратган, гугурт қути-си ҳажмидаги рацияни ишлаб чиққан муҳандис ва ихтирочи Леонид Куприянович ва телефонлар ихтиросига асос солган бошқа олимларнинг фотосуратлари жой олган. Бундан ташқари, телефонларнинг илк нусхалари ва ҳозирги замонавий телефон воситалари, мобил телефонларнинг турли нусхалари устмас-уст тоқчаларга жойлаштирилган.

ПОЧТА АЛОҚАСИ ЗАЛИ

Илгарилари кишилар почта алоқа воситаларидан қай йўсинда фойдаланишгани маникенлар орқали тасвирлаб берилган. Бундан ташқари, ўша пайтда хатларни уларда кўрсатилган манзилларга элтишда отлардан ва бошқа воситалардан қандай фойдаланилгани ифодаб берилган. Хивада почта биносини барпо этишдаги жараёнлар ва Хива хонининг бош вазири Исломуҳмад, Ўзбекистон Республикасининг биринчи алоқа муҳандисларидан бири бўлган Юсуф Муҳаммадов ва бошқа фидойи инсонларнинг портретлари жой олган.

РАДИО ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕ ЗАЛИ

Радио ривожининг илк босқичларида олиб борган ишлари билан машҳур ва қўлга киритган ютуқлари қаторига биринчи мартаба радио орқали товушни узатиш, икки томонлама трансатлантик радиоалоқа ва илк мартаба кўнгилочар мусликий радиоэшиттиришларни амалга оширган канадалик олим Режиналд Фесенден (1866-1932) ва

дунёда биринчи радио қабулқилгични ихтиро қилган, телеграф тасмага ёзилган илк радиogramмани узатган, радиоалоқанинг принципларини таърифлаб берган Александр Попов (1859-1905) ҳамда радио ихтирочиларидан бири, ўз ҳаётини симсиз алоқа ривожига бағишлаган, Атлантика океани оша биринчи радиоалоқани ташкиллаштирган Нобел мукофоти лауреати, физик ва радиотехник олим Гулелмо Маркони (1874-1937)ларнинг суратлари илиб қўйилган. Яна хонада 1988 йилдаги сим орқали ишлатилган ОВБ радиоси ва бошқа турдаги радиолар, 1957 йилдаги KVN-494 T-1 русумли телевизор приёмник, телевидение учун ишлаб чиқилган видеомонитор, I-9I-13 русумли телекамера, 1961 йили Россиянинг Олтой вилоятида намойиш этилган UM-50 A русумли RSFSR овоз кучайтирувчи ускуна, TPS-54 русумли DV-SV канал ушлагич ва узатгичлар (1957 йил) ўрнатилган.

АХБОРОТ-ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ЗАЛИ

Бу залда жойлаштирилган экспонатлар ичига дунёнинг энг машҳур ихтирочилари электромагнит тўлқинларининг мавжудлигини тажрибада исботлаб, олиб борган тажрибалари қатор тадқиқотларга туртки бўлиб, симсиз алоқанинг юзага келишига хизмат қилган немис физик олими Генрих Рудольф Герц (1857-1894)нинг суратлари қўйилган. Бугунги кунгача частотанинг ўлчов бирлиги унинг номи билан герц деб аталади. Шунингдек, 1938 йилда Москвада кашф этилган неперметр ўлчов ускунаси, Борис Грабовскийнинг 1928 йил 26 июнда видеотелефон кашфиётини синаб кўриш жараёнидаги фотосуратлари, дастлабки ва замонавий компьютерлар, Окитекс процессори ва монитори, Телсоф-2500 русумли телетайп ускуналари, қўл ҳисоблагич (чўт), Аслата, SDK-133, Аскота, Фелекс b311558 арифмометр ҳисоблагичлар ва шу каби мингдан ортиқ ноёб экспонатлар ўрин олган.

— Шунингдек эътироф этиш жоизки, — дейди Хива Алоқа тарихи музейи директори Сафарбой Аллаёров, — алоқа хизмати фаолияти билан боғлиқ музей республикамизда биринчи бўлиб бизнинг шахримизда ташкил этилган. Айни пайтда мамлакатимизда икита бундай музей мавжуд бўлиб, яна бири Ўзбекистон Алоқа тарихи музейидир. Биз бу билан ҳақли равишда фахрланамиз ва музейимиз фондини янада бойитиш, унга замонавий алоқа техникасининг янгиликларини акс эттирувчи янги экспонатларни, соҳада хизмат қилаётган фидойи инсонларнинг фотосуратларини қўйишни режалаштирганмиз.

Нилуфар ЖАББОРОВА,
"Xabar"нинг Хоразм вилоятидаги муҳбири



Комил инсоннинг кўзи Хизр чашмасидир, ким бу икки чашмадан бирини топса, иншааллох, абадий ҳаётга эришар...

Алишер НАВӨЙЙ

Кейинги ўн йил мобайнида бевосита хитойлик ҳамкорлар билан катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишларини амалга оширдик. Натижада вилоят бўйича 24та база телефон станцияси барпо этилди. Бу алоқа шохобчаларида турли русумдаги замонавий қурилмалар мунтазам ишлаб турибди.



"ЎзМобайл" улғаймоқда

Жамоамиз меҳнати билан яратилган катта имкониятлардан 31 минг мижоз кенг фойдаланмоқда. Эътиборлиси, уларнинг асосий қисмини тоғолди қишлоқлари аҳолиси ташкил этади.

Сир эмаски, шундай олис манзилларда истиқомат қилаётган кишилар тезкор ва сифатли алоқа хизматига эҳтиёж сезиб келишарди. Тоғ ёнбағрида қад ростлаган "ЎзМобайл" иншоотлари кўп йиллик эзгу-ниятларнинг ушалишини таъминлади. Янгилик Узун, Шеробод туманларига қарашли Боботог ва Кўхитанг қишлоқларидаги юртошларимизни, айниқса, қувонтириб юборди.

Гап шундаки, ҳар томонлама қулай ҳамда соғлиқ учун зарарсиз алоқа воситаси мижозларимизга манзур бўлди. Кўчма телефон ускунаси шахсий томорқа хўжалигида ишлаётган ёки отар ортидан юрган кишининг ҳар доим ёнида. "ЎзМобайл" телефонининг ҳаммабонлиги сабаб ундан фойдаланишга ошқабатганлар сони тобора кўпайиб борапти. Бу эса зиммамизга янада кўпроқ масъулия юкламоқда. Амалдаги Кексаларни эъозлаш йилига мўлжаллаган режаларни белгилаётганимизда буни алоҳида инobatга олдик — замонавий база телефон станцияларини бу йил ҳам кўпайтирамиз.

Эътиборлиси, фаолиятимиз қамрови йил сайин кенгайиб

бормоқда. Аҳоли ва жамоаларга фақат "ЎзМобайл" телефонларини етказиш ва ўрнатиб бериш билан чекланиб қолаётганимиз йўқ, Ўз навбатида, уларга интернет ва VPN хизмати ҳам тақдим қилинмоқда. Бундай хизмат турларининг кўпайиши кишиларнинг жамоамиз меҳнатига қизиқишини тобора орттиряпти, натижада алоқа корхоналари ўртасида давом этаётган ижобий рўҳдаги рақобатда олға силжишга эришяпмиз. Бир сўз билан айтганда, мустақиллик меваси ҳисобланган "ЎзМобайл" йил сайин улғаймоқда.

Ҳозир вилоятнинг ҳалқ таълими шохобчалари ҳамда кўплаб касб-хунар коллежларига борсангиз албатта, "ЎзМобайл" телефони хизмат кўрсатаётганига гувоҳ бўласиз. Ўтган Соғлом бола йилида 700дан ортиқ мактаб ва 88та коллеж қабул қилинган Давлат дастури доирасида муҳим қулайликка эга бўлди. Иш бошлаган замонавий алоқа воситалари ZIYO.NET таълим тармоғига уланган. Бундан ташқари, "Ўзбектелеком" АК Сурхондарё филиали билан ҳамкорликда вилоят микёсида CDMA-450 тармоғини кенгайтиришга катта ҳисса қўшилди.

Ҳар бир жамоа самарали меҳнат қилиш баробарида ўз дунёқарашини маънавий-маърифий тадбирлар асосида бойитиб борса, шубҳасиз, ҳар томонла-

ма етукликка эришади. Бугун ўтмишини ўрганиб, аждодлар меросини қадрлаб яшасак, Ватанимиз эртасини ёрқин тасаввур эта оламиз. Ўтган йили жамоамиз билан Термиз археология музейига саёхат уюштирганимизда айни шу ҳақиқатни англаб етдик. Музей залларини айланар эканмиз, Сурхон замини тарихи неча минг йилликларга бориб тақалишига амин бўлдик. Унинг бир замонлар илк одамзод макон топган жой бўлгани, Кушонлар давлати бир аср давомида беш қабила бўлиб яшагани ҳақида устозларимиздан эшитган эдик. Музейга қўйилган топилмалар айтилган сўзлар нақадар ҳақиқатлигини исботлади. Биз музейдан бир олам таассуротлар билан қайтаётганимизда, шундай улуг Ватанимиз борлиги билан фخرландик. Юртимизнинг тарихий манзилгоҳлари, зиёратгоҳлари бўйлаб саёхатимизни ҳар йили давом эттиришга, бўш вақтимизни мазмунли ўтказишга қатъий аҳд қилганмиз.

Жорий йилда ҳам аҳил жамоамиз ўз олдида қўйган мақсад ва вазифаларни муваффақиятли бажариб, мустақил Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшади.

Акмал ҲОЛИЁРОВ,
"ЎзМобайл" филиалининг
Сурхондарё участкаси олий
тоифали муҳандиси

СПОРТ

ШАХМАТ

Пойтахтимизда шахмат бўйича 8 ва 10 ёшли ўғил-қизлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати бошланди. Унда мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан 100 нафардан зиёд шахматчи баҳслашмоқда.

ФУТБОЛ

Хитойнинг Чэнду шаҳрида футбол бўйича ўн беш ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида якунланган халқаро турнирда Тошкентнинг "Бунёдкор" жамоаси тарбияланувчилари бош совринни қўлга киритди.

Ўзбекистон олимпия терма жамоаси Таиландда давом этаётган "Қирол Кубоги" турнирининг 2-турда Таиланд терма жамоасини 5:2 ҳисобида мағлуб этди.

Шухрат Мақсудов шогирдлари 1-турда Жанубий Корея олимпия термасига 1:0 ҳисобида мағлуб бўлганди.

БОКС

Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида ўтказилган бокс бўйича халқаро турнирда ўзбекистонлик чарм қўлқоп усталари икки олтин, биттадан кумуш ва бронза медални қўлга киритишди.

ТЕННИС

Теннис бўйича Ўзбекистон аёллар терма жамоаси Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида старт олган Fed Cup мусобақасининг Осиё-Океания минтақаси дастлабки саралашдаги иштирокини галаба билан бошлади. Дмитрий Томашевич бошчилигидаги терма жамоамиз гонконглик рақибларини 3:0 ҳисобида таслим этишди. Теннисчи қизларимиз кийинги учрашувларни Корея ва Япония терма жамоаларига қарши ўтказишади.

Профессионал теннисчилар уюшмаси теннисчиларнинг янги рейтингини эълон қилди. Унда ҳамон катта фарқ билан Новак Жокевич пешқадамлик қиялпти. Рейтингда мамлакатимизнинг биринчи ракеткаси Денис Истомин 11 поғона паслаб, айни пайтда 61-ўринни эгаллаб турибди. Иккинчи рақамли теннисчимиз Фаррух Дўстов, аксинча, учпоғонага юқорилаб, 118-ўринда қайд этилган.

ФУТЗАЛ

Ўзбекистон миллий терма жамоаси 7-8 феврал кунлари Латвия терма жамоаси билан ўзаро иккита ўртоқлик учрашуви ўтказди.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Тошкент вилояти "TURON" ахборот-кутубхона маркази жамоаси АКМ илмий-услубий бўлим мудирини ва касба уюшмаси қўмитаси раиси Насиба Омонкелдиевага ўғли **Анвар ХУШБАҚОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Эълон!

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 октябрдаги "Телекоммуникациялар соҳасида фаолият кўрсатиш ҳуқуқи учун давлат божи микдорларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 421-қарорига асосан лицензиядан фойдаланганликлари учун навбатдаги ҳар йиллик давлат божининг тўлов муддатларини бузганликлари боис:

"SVYAZ-STROY-OPTIKA" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига 2012 йил 7 декабрда берилган АА серияли 0004536 рақамли;

"SVYAZ-STROY-OPTIKA" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига 2012 йил 7 декабрда берилган АА серияли 0004537 рақамли;

"Нурота телевиденияси" (Навоий вилояти) теледастурлар тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2012 йил 7 декабрда берилган АА серияли 0004532 рақамли;

"SINAN DESIGN" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига 2011 йил 15 декабрда берилган АА серияли 0003932 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2015 йил 31 январдан 10 иш кунига тўхтатилди.

Ислом КАРИМОВ:

Агар бу улуг зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султониدير.



Алишер НАВОИЙ

Хикмат

Заб-зийнатга ҳирс кўйиш шон-шавкатни барбод этади, ўрмон шерига нисбатан занжирбанд шерининг савлати кўримсиздир.

То риёкор шайх сафсатасини бас қилмас экан, кўнгил огрийверади, то қишнинг совуғи кетмас экан, яланғоч иштироб чекаверади.

Риё тасбеҳи доналари расволик уругини ундирар, дарвоқе, уруг ўз жинсига мансуб мева берур.

Чарх бир касалдир, ундан эҳтиёт бўлиш лозим. Чунки зоҳирининг ҳар тарафида юлдузлардан оқ хол (доғ)лар бор.

Агар разил (пасткаш) одам қимматбаҳо (либослар) кийиш учун умрини барбод қилса, ажабланма, пилла курти ҳам ўзига ипақдан кафан тўқийди.

ТУЮҚ

Лаълидин жонимга ўтлар ёқилур,
Қоши қаддимни жафодин "ё" қилур.
Мен вафоси ваъдасидин шодмен,
Ул вафо, билмонки, қилмас ё қилур.

РУБОУЙ

Номанг манга руқдин нишон бўлди яна,
Осойиши жони нотавон бўлди яна.
Ҳар ҳарфи анинг танимда жон бўлди яна,
Ҳар лафзи ҳаёти жовидон бўлди яна.

ИСТАНГИЗ

Истаганлар, бизни сахрои балода истангиз,
Водийи ҳижрон ила дашти фанода истангиз.
Вомику, Фарҳоду Мажнундеклар ул водий аро
Бўлсалар пайдо, мени ҳам ул арода истангиз.
Юз аларнинг ишкича дарду, балоу гуссага
Талиб ол бошига қолган можарода истангиз.
Эйки, истарсиз саводул ваҳж фиддорайдин,
Бохабар бўлмоқ мени юзи қарода истангиз.
Кўнглум ул зулф ичрадур, зинҳор ишқим шарҳини
Истаманг мен телбада, ул мубталода истангиз.
Нукта янглигим, вафо узра қилур котиб рақам,
Ишқ ўтининг доғини аҳли вафода истангиз.
Оғзи шавқидин Навоий итти, они истар эл
Ё адам даштида, ё мулки фанода истангиз.

АДАРАҲ

Хусни ортар юзда зулфин анбарафшон айлагач,
Шамъ равшанроқ бўлур торин паришон айлагач.
Юзни гуллардин беабму бизни қурбон айладинг?
Ё юзунга тегди қонлар бизни қурбон айлагач?
Тийғ ила пайконларинг етти кўнгул бўлғоч хароб,
Сув қўюб, тухм эқдинг, ул кишварни вайрон айлагач.
Қон эмаским ёпти гулгун ҳулла жаннат хозини,
Ишқ мақтули шаҳид айларда урэн айлагач.
Ошкор айлаб юзин кўзумни ҳайрон айлади,
Ўшурин олди кўнгул кўзумни ҳайрон айлагач.
Жонда қўйғоч нақди ишқин қилди кўнглумни ҳалок,
Ўлтурур маҳрамни султон ганж пинҳон айлагач.
Эй Навоий, ишқ агар кўнглумни мажруҳ этмади,
Бас, недурким қон келур оғзингдин афғон айлагач.

Фурқатингдин заъфарон узра тўкармен лолалар,
Лолалар эрмаски, бағримдин эрур парголалар.
Дур тишингдин донаи сабрим қолур бебар десам,
Кулуб айтурким, экиннинг офатидур жоалар.
Барги гул узра ёпишибтур шакар ҳар соридин,
Ё магар лаълинг уза қайнабтурур табхолалар?
Тола-тола най ўкунг кўксумда гўё синдиким,
Теврулубтур нотавон кўнглумда бир-бир толалар.
Фитналик тўққуз фалак гардингда, жоно, турфадур,
Ким кўрубтур бир куёш давринда мундоқ ҳолалар?
Бордилар ахбобу мен йиғлармен ўз аҳволима,
Корвондин қолғон ил янглиғки, қилгай ноалар.
Кўҳи ғам бўлди Навоий, лолалар гулгун сиришк,
Тоғ агар будур, бале, ашк ўлғусидур лолалар.



Буюк даҳоларга эҳтиром

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси феврал ойини Навоий ва Бобурга бағишлади.

Кутубхонада 1 февралдан 28 февралгача мутафаккир Алишер Навоий ҳамда шоҳ ва шоир Заҳриддин Муҳаммад Бобур асарларининг кўргазмаси бўлиб ўтади. Шу ой давомида кутубхонанинг махсус залларида икки буюк даҳо ижодига мансуб асарларнинг XVIII асрдан XXI асргача бўлган давр мобайнида яратилган қўлёзма нусхалари ва босма кўринишдаги китоблар намойишга қўйилади. Шунингдек, кўргазма намуналари орасидан кўплаб ўзбек ва хоризмлик олимларнинг икки мутафаккир ҳаёти ва ижодини ўрганиш давомида ёзган тадқиқотлари ва китоблари ҳам жой олади.

Адолат ва саховат кўйчиси

Сирдарё вилояти Гулистон тиббиёт коллежида 9 феврал — Алишер Навоий таваллудининг 574 йиллиги муносабати билан вилоят ахборот-кутубхона маркази билан ҳамкорликда коллеж ўқитувчи ва ўқувчилари иштирокида "Адолат ва саховат кўйчиси" мавзусида шеърят кечаси ўтказилди. Тадбирни коллежнинг АРМ мудираси Г.Нурматова кириш сўзи билан очди.

Тадбирда вилоят ахборот-кутубхона маркази кутубхоначиси Х.Рискулова ва республика маънавият-тарғибот маркази вилоят бўлими етакчи мутахассиси, шоир А.Нурбоевлар ўз маъруза ва шеърлари билан қатнашдилар. Коллеж кутубхоначиларидан Р.Суярова, З.Дусанова, С.Норбоевалар, ўқувчилардан Г.Мавлонбердиева, О.Қурбонова ва Д.Алимовалар бадий чикиш қилишди. Фаол ўқувчиларга вилоят АКМ ва коллеж маъмуриятининг эсдалик совгалари топширилди.

Х.РИСКУЛОВА

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,
Бунёдкор шоҳқўчаси, 8-уй.
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.
Навбатчи: Муборак МИРКАМОЛОВА.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АЛОҚА АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА
ТЕЛЕКОМУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ДАВЛАТ ҚўМИТАСИ

Бош муҳаррир:
Абдусамд КҮЧИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва
ахборот агентлиги томонидан
0016 рақами билан 2013 йил
23 июлда рўйхатга олинган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Хуррид МИРЗАХИДОВ (Ҳайъат раиси), Махсум МАҲМУДОВ,
Алишер ФАЙЗУЛЛАЕВ, Миродил САҲИЛЛОВ, Рустам ҚОСИМОВ,
Сувоп НАЖБИДДИНОВ, Абдугани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),
Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланishi мумкин.
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Реклама матнларининг тўғрилиги таҳририят жавобгар эмас.
Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

Газета
ҳафтанинг
жума куни
чиқади

"Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида chop этилди.
Мавзил: Тошкент шаҳри,
"Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Г-265 сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табок,
Адади: 14249 нуска.

Вилоят
муҳбирлари:

Андижонда
226-47-80

Бухорода
715-87-21

Гулистонда
240-00-46

Жиззахда
(94) 199-95-64

Навоийда
225-91-10

Нукусда
554-35-45

Самарқандда
230-64-80

Термизда
(91)235-88-68

Тошкентда
288-40-66

Урганчада
(90) 713-21-40

Фарғонада
244-18-05

Қаршида
(93)931-08-99